

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 21 май, № 102 (4765)

Пайшанба

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ — ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Тошкентда 2009 йил 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган материаллар, қоида ва хулосалар юзасидан халқаро конференция бўлиб ўтади.

Мазкур китоб нашр қилиниши биланоқ жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган кўплаб мақола ва интервьюлар шундан далolat беради.

Ушбу халқаро форум ишида дунёнинг 60 мамлакатидан 150 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнес вакиллари ва дипломатлар, олим ва экспертлар иштирок этиш истагани билдириди. Конференцияда Халқаро валюта жағнамаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, БМТ ва унинг Тараққиёт дастури, ЮНКТАД, ЮНИДО, ЮНИСЕФ ва бошқа тузилмалари каби қатор халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтларининг вакиллари иштирок этади.

Анжуменада АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Япония, Россия, Франция, Австралия, Бельгия, Миср, Покистон, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Кувайт ва бошқа мамлакатлардаги нуфузли илмий ва олий таълим муассасаларининг раҳбарлари ва таниқли профессорлари қатнашади.

Конференция мавзуга халқаро миқёсда бу қадар катта қизиқиш бўлаётгани бежиз эмас. Бугун жаҳон иқтисодиёти ўз тараққиётининг сўнгги ўн йилдаги энг мураккаб босқичини бошдан кечирмоқда. АҚШ ипотека кредити тизимида бошланган инқироз кейинчалик кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг нафақат банк-молия соҳаси, балки иқтисодиётнинг реал секторига ҳам ўзининг жиддий салбий таъсирига ўтказди.

Инқироз бошлангандан кейин жаҳон савдо ҳажми, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бир неча йил орқага кетди, экспертларнинг фикрича, бу кўрсаткичларни тиклаш учун йиллар керак бўлади.

Бугун биз шунга гувоҳ бўлиб турибмизки, иқтисодиётни ўтиш даврини бошдан кечираётган, халқаро молия институтлари томонидан иқтисодий ислохотлар суръати бўйича етакчи сифатда тан олинган мамлакатларнинг барча тизими инқироз синовларига дош бера олмади, айни пайтда ўз худудида унинг кучайишига сабабчи ҳам бўлди.

Мана шундай бир шариоитда халқаро ҳамжамияти Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш таърибасини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Масалан, Ўзбекистон банклари спекулятив банк капиталларини қабул қилмади ва спекулятив банк операцияларида иштирок этмади. Шу тўғрисида улар, МДҲдаги қатор мамлакатлар банк тизимларидан фарқи ўлароқ, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шариоитида мамлакат иқтисодиётига таъсири таъсирлар кириб келишига йўл қўймади. Бугун хорижий рейтинг агентликлари Ўзбекистон тижорат банкларига барқарор рейтингини бермоқда. Чунки мамлакатимиз банк тизими соғлом асосда ривожланиб, ўз сармоясини кўпайтиришда ва бу Назорат бўйича Базель кўмитасининг барча халқаро метёриларига жавоб беради. Айни пайтда банкларимиз иқтисодиётини, биринчи гада, унинг реал секторини кредитлашни кучайтирмоқда, оқилна банк сисъати таъминоти қатъий риоя қилинган ҳолда истеъмол кредитини ривожлантирмоқда.

Ўзбекистоннинг таъсир қарз олиш борасидаги консерватив сисъати мамлакат таъсир қарзининг яли ички махсулотга нисбатини 2005 йилдаги 25,8 фоиздан 2008 йилда 14,8 фоизга таъсир қилиши имконини берди. Ҳолбуки, МДҲнинг бошқа мамлакатларида бу кўрсаткич 75-100 ёки ундан ҳам ортққолини ташкил қилади. Бу эса жуда қатъий кўрсаткичдир. Худди шу даврда Ўзбекистон умумий таъсир қарзининг экспортга нисбати қарийб икки бараварга камайди. Халқаро ўлчовлар билан қараганда, бу йўл қўйиши мумкин бўлган кўрсаткичдан бирмунча камдир.

Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги беш таъминоти моҳиятини ўша даврда ҳамма ҳам теран англаб етмаган ва муносиб баҳолаб олмаган эди.

Иқтисодиётни ўтиш даврига хали мослашмаган ва аҳолиси бозор муносабатларига тайёр бўлмаган бир пайтда кўплаб давлатлар иқтисодиётини «фалаж қилиб даволаш» усули орқали мажбуран либераллаштиришга тушиб кетганини, Ўзбекистон бу калтабинлик пойғасига қатъий қўшилмади. Маълумки, узок масофага югурганда бор кучини бирдангина сарфлаб қўйган ҳовлиқмалар манзилга кеч етиб боради. Одатда мақсадида етиш стратегиясини пухта ишлаб чиққан, куч ва имкониятларини бу-

тун масофа бўйлаб тўғри тақсимлай олган, мавриди келганда ва муваффақият қозонишга қўзи етганда қамчи боса оладиганларига яхши натижага эришади.

Ўзбекистон, танқидларга дучор бўлганига қарамай, бошбошдоқлик ва анархияга йўл қўймади. Иқтисодиёт давлат томонидан бошқарилишини сақлаб қолиш зарур, деган тамойилдан ҳеч қачон воз кечмади. «Бозор иқтисодиёти ўз-ўзини бошқаради», деган ақидага мутлақо ишонмади. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистон бошқа мамлакатлар сингари ортага қайтаётгани, хонавайрон бўлган банк ва сурғурта компанияларини сотиб олиб, давлат тасарруфига ўтказётгани йўқ.

Ўзбекистон ислохотларни тадрижий равишда амалга ошириш тўғрисида МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 90-йилларнинг бўхронини енгиб ўтди ва 1996 йилдаёқ ижобий иқтисодий ўсиш суръатларини намоян эта бошлади. Сўнгги йилларда бу суръат жаҳон бозоридан ҳам ашё ресурслари баҳоси ошгани сабабидан эмас, соғлом асосда иқтисодиётни диверсификация қилиш, тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш ва фаол сармоявий сисъат тўғрисида янада юксалди.

Мисол учун, сўнгги уч йилнинг ўзида мамлакатда асосий капиталга қўйилган сармоя ҳажми 2,3 баравар ошди. Бошқача айтганда, 2005 йилда бу кўрсаткич 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2008 йилда қарийб 6,5 миллиард долларга етди. Яратилган қўлай сармоявий муҳит шу даврда тўғридан-тўғри хорижий сармоя ҳажмини 3,1 баравар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда нафақат йирик корхоналар, авваламбор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Фақат кейинги 3 йилда давлат кичик бизнес корхоналарига солиқ солиш даражасини деярли 2 бараварга камайтирди, уларга ҳам ашё ва махсулотни сотиш бозорлари, кредит ресурсларидан эркин фойдаланишни таъминлади, барча рўйхатга олиш тартиби ва тижорат фаолиятини бошлаш жараёнларини осонлаштирди ҳамда арзонлаштирди, ҳуқуқий ҳимояни кучайтирди, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштирди. Бу ушбу даврда автомобиль, металлургия, кимё, нефть-газ, тўқимачилик ва бошқа йирик саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариш суръатлари жадал оширилганига қарамай, кичик бизнеснинг яли ички махсулотга улушини 38 фоиздан 48 фоизга етказиши имконини берди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида жаҳон иқтисодиётига чуқур интеграциялашди, дунёдаги нафақат ҳам ашё товарлари, балки тайёр махсулотлар — тўқимачилик, кимё, автомобиль саноати, қурилиш материаллари, кабель-ўтказгич махсулотлар, озиқ-овқат ва бошқа махсулотлар бозорларида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистоннинг 2005-2008 йиллардаги таъсир савдо айланмаси 2,2 бараварга ошди ва 21,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, таъсир савдо айланмасининг яли ички махсулотга нисбатан улуши 66 фоиздан 79 фоизга ўсди.

Бу даврда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар экспортини ҳамма 5,4 миллиард АҚШ долларидан 11,5 миллиард долларга ошди ҳамда яли ички махсулотга нисбатан 41 фоизни ташкил этди. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган барча товар ва хизматларнинг деярли ярми таъсир бозорда ўз харидорини топаётганидан далolatдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш тўғрисида сўнгги уч йилда Ўзбекистоннинг яли ички махсулотга, доллар эквивалентидега ҳисобланганда, қарийб икки баравар кўпайди. Ўзбекистоннинг яли ички махсулотини ҳажми 2005 йилда 14,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2008 йилда 28 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистон мураккаб ўтиш даврининг бошиданок аҳолини ҳимоя қилиш бўйича кучли ижтимоий сисъат юритиш таъминоти қатъий риоя қилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган бозор ислохотларини шариоитида ҳимояга муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишининг яхлит тизими яратилди.

Иқтисодий ислохотлар давомида яратилган иқтисодий ўсиш аҳоли жон бошига ҳисобланганда, жами даромадлар миқдорини кейинги уч йилда қарийб 3 бараварга ошириш имконини берди.

Утиш даврини бошдан кечираётган бошқа мамлакатлар ўзларининг табиий ресурсларини жадал равишда хусусийлаштириб ва хорижий сармоядорларга

сотиб, табиий ресурслар учун юқори нархларда олинган маблагларни хорижий давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришга сарфлаган бир пайтда, Ўзбекистон барча мавжуд ресурсларини ўз иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, ўзининг келажаги бўлган инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирди.

Ўзбекистон 1997 йилдаёқ собиқ иттифоқ худудида биринчи бўлиб замонавий касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар қуриш ва ўқув ускуналари билан жиҳозлаш дастурини ўз ичига олган кенг қўламли Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга киришди. Бугунги кунда қарийб 1,5 мингта академик лицей ва касб-хўнар коллежи барпо этилди. 2004 йилдан буюн мактаб таълимини ривожлантириш дастури амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастур доирасида 4,5 мингдан ортққоли мактаб янги қурилди, капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш ва таъминоти учун давлат бюджетининг қарийб 50 фоизи сарфланмоқда. Дунёнинг яна қайси бир давлатида аҳолининг таълим даражасини оширишга бу қадар катта эътибор берилмоқда?

Авалги фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнига замонавий, яхши жиҳозланган 3127 та қишлоқ врачлик пунктларини қуриш бўйича 1996 йилда бошланган дастур айни пайтда ниятсизга етди. Мамлакатимиз туманларида ҳам замонавий, яхши жиҳозланган шифохона тиббий ёрдам тизими янгитдан ташкил этилди. Соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилмоқда. Бу чақалоқлар ҳамда болалар ўлими кўрсаткичларини кескин камайтириш имконини бермоқда. Ҳолбуки, совет даврида ушбу кўрсаткичлар ниятсизга юқори эди.

Ўзбекистоннинг бундай узокқи кўзлаган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси аҳоли турмуш даражасининг асосий ижтимоий кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топмоқда: мамлакатимиз катта ёшли аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,8 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистонини дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига қўйиш имконини беради. Мамлакатимиз аҳолисининг ўртача умри сўнгги уч йилда 71,8 ёшдан 72,9 ёшгача ўзгаришга учирди. Бу МДҲ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хисобга олинган ҳолда, 2008 йилнинг ноябринида Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошланди. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, экспорт махсулот чиқарадиган корхоналарнинг таъсир бозорларда рақобатбардошлигини кўлаб-қувватлаш, қатъий тежамкорлик тизимини янги етиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархини пайсатириш, электрэнергетика тизимини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия истеъмолини камайтириш, ички бозорда талабни рағбатлантириш ушбу дастурнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ислохотлар рўёбга чиқарилган аввалги йилларда яратилган мустахкам иқтисодий пойдевор билан биргаликда 2008 йилда ҳам, мамлакатимиз яли ички махсулотини 7,9 фоизга кўпайган 2009 йилнинг биринчи чорагида ҳам, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш таъминоти. Шу тарика мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган Иқтисодий ислохотларнинг ўзбек модели натижалари бошқа мамлакатларда глобал молиявий-иқтисодий инқироз авж олган бир шариоитда ўзининг ҳаётийлигини яққол намоян этмоқда ва иқтисодий ислохотларнинг ушбу юксак самаралари жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бўлажак Халқаро конференцияда Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Иқтисодий ислохотларнинг ўзбек модели ва Ўзбекистоннинг амалий таърибаси ҳар томонлама чуқур ўрганилди.

Шубҳасиз, бу ўзининг иқтисодий сисъатини қайтадан қўриб чиқиши зарур бўлган давлатлар учун ҳам, ўз таърибаси билан бошқаларни таништириш ва халқаро ҳамжамият томонидан тақлиф этилиши ва амалга ошириш мумкин бўлган энг яхши таърибаларни қабул қилишга тайёр Ўзбекистон учун ҳам фойдалидир.



БИЛИМ ВА ТАФАККУР НАМОЙИШИ

Келажагимиз ворисларининг камоли йўлида амалга оширилаётган сўй-ҳаракатлар, ёшларнинг маънавий дунёқарши, билим ва тафаккурини бойитиш мақсадида бунёд этилган замонавий ўқув даргоҳлари, илму хўнар марказлари бугун улар иқтидорини кенг намоян этишга хизмат қилмоқда.

Истеъдодли ўғил-қизлар илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида баланд марраларга эришмоқда. Истеъдодли ўғил-қизлар ни забт этиб, юртининг эртанги тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир инсон бўлиб камолга етмоқдалар. Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва исти-

роҳат боғида бўлиб ўтаётган кўргазмада фарзандлар иқтидорини юксалтиришга бўлган улкан эътибор яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Тошкент

(Давоми 2-бетда).

АҚШДА ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси кўмаги ва мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби нашр этилди.

Ислон Каримовнинг Америкада чоп этилган китобига ёзилган сўзбошида, жумладан, шундай сўзлар келтирилган: «Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Ўзбекистон Президентининг китоби ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятдан қиқиб йўлларини излаётган ҳар қандай китобхон учун муҳим қўлама бўлади, деб ҳисоблайди. Ушбу асар Фарб ўқувчларида дунёнинг бир қатор иқтисодий ривожланган мамлакатлари тўқнаш келаётган кўлаб муаммоларни алоҳида олинган бир давлат нечоғли самарали ҳал этаётгани ҳақида тасаввур уйғотиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга».

Китобнинг М. Тэтчер ва Ж. Мейжор бош вазирли-

ги даврида кўп йиллар Буюк Британия ҳукумати-нинг вазирлик лавозимларида фаолият юритиб келган сэр Ричард Нидэм томонидан ёзилган муқаддима қисмида таъкидланишича, «Ушбу сармазун ва изохларга бой асарда дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шариоитида унинг оқибатларини енгиллаштириш, шунингдек, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий сисъатининг истиқболлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мулоҳазалари ўз аксини топган».

— Президент Ислон Каримов молиявий таназулга олиб келган илгариги йўналишдан қандай халос бўлиши ва шу билан бирга, Халқаро кредит агентлиги томонидан барқарорлик рейтингини олган Ўзбекистон банк тизимининг мустахкамлигини янада кўрсатиб берган. Бу мамлакат келажагини яратишга асос бўладиган муҳим пойдевор ҳисобланади. Муаллиф иқтисодий ва молиявий ўсишга асосланган ҳар томонлама ривожланиш, транспорт ва энергетика инфра-тизмасини яхшилаш, шунингдек, техник ва олий таълимнинг давражасини ошириш стратегиясини теран ва батафсил баён қилади.

(Давоми 2-бетда).

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарининг сайёр йиғилишлари Сурхондарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. Бу ҳақда жойлардаги мухбирларимиз хабар берадилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг илмий-амалий семинари Термизда бўлиб ўтди. У Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбир давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик истиқболлари масалаларига бағишланди.

Семинарда ўзаро ҳамкорликни янада мустахкамлаш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни бажариш учун мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш йўллари тўғрисида атрофлича фикр юритилди, амалий тақлифлар билдирилди.

Шу йилнинг апрель-май ойларида парламент куйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзолари томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида бажарилиши юзасидан назорат-таҳлил ишлари амалга оширилган эди. Ана шу ишларнинг сардари, вилоят ҳисобига бағишланган йиғилиш вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтди.

Кайд этилганидек, вилоятда мақсуд ҳужжатлар ижросини таъминлаш доирасида сезиларли ишлар амалга оширилган. Вилоятда вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш масалаларига давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотлари томонидан жиддий эътибор берилмаётган.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга ташриф буорган Малайзия парламенти Вакиллар палатаси Спикери Тан Сри Пандикар Амин Ҳожи Мулла раҳбарлигидаги делегация 20 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан учрашди.

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасида атрофлича фикр алмашилди. — Ўзбекистон Малайзиянинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан, — деди Тан Сри Пандикар Амин Ҳожи Мулла. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўлаб йўналишларда изчил тараққиёт этмоқда. Юртингизда қонун ижодкорлиги жаҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ишловлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдим. Бугунги мулоқотлар парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Малайзия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров билан ҳам музоқара ўтказди.

Шунингдек, малайзиялик меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимов) мажмуини зиёрат қилдилар, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни кўздан кечирдилар.

(Ў.А).

АҚШда ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

(Давом. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, китобда солиқ юкни камайтириш орқали ва "Микрокредитбанк"нинг молиявий қўмағида кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг муҳими таъкидланади. Президент Ислон Каримов ҳам ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини қисқартирган ҳолда, юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарларни инновацион ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш бўйича босқичма-босқич тадбирларни амалга оширмоқда. У фермерлик ҳаракатида эркинлик бериш, уларни молиялаштириши яхшилаш, ер ҳудудларини кенгайтириш ҳамда улар меҳнатни кўпроқ механизациялаштириш зарурлигини теран англади ва қўллаб-қувватлайди, — дейди муқаддима муаллифи.

«Шу мураккаб даврда Президент Ислон Каримов китобдан мамлакат сўнгги йилларда бошдан кечирган ўта муҳим босқич ҳақида айтиб ўтади. У ижтимоий бандликнинг мустаҳкам ва барқарор ҳолатда эканлиги ҳамда ўзлаштирилган ҳорижий сармоялар микдори охиригача икки йил ичида 2,5 бараварга ошганини ҳолисона таъкидлайди. Экспорт тизими ва Осиё давлатлари билан савдода тайёр маҳсулот улушининг ўсиши кузатишмоқда.

Инкирозга қарши чоралар дастури мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий йўналишларда ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишни олдидан белгиланган беш тамойилга асосланган. Шу таъминлар бугунги кунда янада улкан аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётни маърузадан қони қилиш, прагматизм, ҳолни устуворлиги тамойилларини ҳаётга татбиқ этишдаги ютуқлар, кучли ижтимоий сўбат (айниқса, ҳозирги даврда) ва ислохотларни амалга оширишда иштирокчи таминлаш Ўзбекистон муваффақиятининг гаровидир.

Асарнинг бошида Президент "Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқорам ҳам-жамиятининг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас тарқил қисми ҳисобланади" ва жорий инкироз бизни четлаб ўтиб кетади, деб ҳулоса чиқармаслик кераклигини айтиди.

— Айни пайтда, — деб ёзади сэр Ричард Нидэм, — китобда Президент Ўзбекистон иқтисодий моделининг кучли жиҳати ургу беради, давлатнинг заиф томонларини ҳам ҳолисона кўрсатади, таҳдидларни тушутиради. Энг

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давом. Боши 1-бетда).

Шунингдек, йиғилишда амалга оширилган ижтимоий ишлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарғиботи оммавий ахборот воситаларида талаб даражасида ёритилмаётганлиги маърузачилар томонидан таъкидланди.

Г. ТАНГИРОВА.

Парламент кўйи палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг сэйбёр йиғилишида "Дехон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Қорақалпоғистонда маъруза Қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, шахсий ёрдамчи, дехон ва фермер хўжаликлари фаолиятини таъминлаштириш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш, дехон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қатор қарорлари қабул қилинган.

Шунингдек, йиғилишда дехон хўжаликлари фаолиятини янада таъминлаштириш, уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, соҳада узок йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга оид вазифалар ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Х. АХМЕДОВ.

ЗАМОНАВИЙ ЎЛЧОВ ТИЗИМИ — ДАВР ТАЛАБИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ, ҳар йили май ойининг учинчи ўн кунлигида "Халқаро метрология куни" нишонланади.

Ана шу сана муносабати билан "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Санюатда, қончилиқда ва коммунал-машини секторда ишларнинг бе-хатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан ҳамкорликда республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. "Путур етказмайдиган текшириш — 2009" деб номланган ўшбу

анжуманда мамлакатимиз олим ва мутахассисларидан ташқари, бир қатор хорижий давлатларнинг тегишли ташкилотларидан вакиллар иштирок этиди.

Тадбирда таъкидланганича, метрология илм-фан, техника таракқиётида, умуман, дунё иқтисодиётининг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Шу боис ҳозирги

кунда "метр" расмий тизим сифатида дунёнинг уздан ортиқ мамлакатларида қабул қилинган. Метрдан фойдаланиш қоида ва меъёр-

Анжуман

лари эса қонун орқали белгилаб қўйилган. Қолаверса, санюат ишлаб чиқариши, халқаро савдо ва халқаро хизмат турларининг ошши-ши ҳам ўлчовларнинг сифати ба-жарилишини талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда бу борадаги ишлар "Метрология тўғрисида"ги Қонун асосида амалга оширилмоқда. Шунингдек, республикада Миллий эталонлар маркази фаолият юритаётган. Ишлаб чиқарувчилар томонидан янги ўлчов воситалари амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Путур етказмайдиган текшириш, айнқиса, қурилиш, қимё, энергетика ва авиация сингари соҳаларда жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай текширишларнинг

Бундан бир йил муқаддам нашр қилинган, қисқа муқаддада халқимиз, кенг жамоатчилигимизнинг маънавий бойлигига айланган Президентимиз Ислон Каримовнинг "Ўзбек маънавияти — энгилмас куч" китобида инсон, халқ ва жамият ҳаётига доир кўплаб долзарб масалалар қатори, одамзодни асрлар давомида ўйлантириб келаётган бир муаммо — моддий ва маънавий оламнинг ўзаро муносабатлари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Муаллиф тарихда турли қарашлар, ғоя ва таълимотларнинг шаклланишига сабаб бўлган бу масалага кенг ва чуқур ёндашиб, илмий жиҳатдан ниҳоятда муҳим ҳулоса чиқаради: "Инсонга хос орузу-интилишларни рўйбега чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни баҳиссолои парвоз қилаётган қушининг икки қанотига қийсласак, ўйламанки, ўринли бўлади".

МАЪНАВИЯТНИНГ ЕНГИЛМАС КУЧИ

Айтиш керакки, дунёда содир бўлган кейинги воқеалар, яъни жаҳон иқтисодиётида молиявий-иқтисодий инкироз жараёнларининг авж олиши юқорида келтирилган фикрларнинг нақадар тўғри эканини таъкидлайди. Халқаро миқёсда тан олинган эксперт ва таҳлилчилар, танкили давлат ва сиебат арболларининг бу инкироз сабаблари ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларидан аён бўлмоқдаки, бундай глобал молиявий-иқтисодий инкирозга, ҳақиқатан ҳам, юқорида зикр этилган икки муҳим ҳодиса — маънавий ва моддий оламнинг ривожланиш жараёнларини ўй-унлаштиришга етарли эътибор бермасдан, бу жараёнлар бозор меҳанизмлари орқали ўзини ўзи тартибга солиди, деб уларни ўзи ҳолига ташлаб қўйиш, яъни оқибатини чуқур ўйламасдан сиебат олиб бориладиган сабаб бўлган.

Шу маънода, Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шариоатида уни бар-тарafd этишининг йўллари ва чоралари" китоби дунё жамоатчилигида, айниқиса, бу инкироздан энг кўп зарар кўраётган дунёдаги етакчи ривожланган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотаётгани беҳиз эмас. Чунки бу китобда ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган ҳаётий тизим асосида халқнинг бошқа орузу-интилишлари қатори унинг маънавий қадриятларини ҳам барча ўзгаришларнинг марказига қўйиб, самарали иқтисодий сиебат олиб бораётган, зарур бўлганда, бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга солиб, турли соҳаларнинг ўзаро мутаносиб ривожланишига эришаётган, улкан таъриб ва салоҳиятга эга бўлган давлат арбобининг ҳар томонлама асосланган концептуал фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Афсуски, бугунги дунёда эртанги кунни, инсоният тақдирини ўйлаш бир четда қилиб, фақат бир кунлик ҳаёт билан шайидиган худбин, манфаатпараст кишилар ҳам йўқ эмас. Улар учун ер узанини турли худудларидаги нотинчликлар, маънавий таназзул қўришишлари, иқтисодий қийинчиликлар ҳақида ўйлаш бегона. Ҳолбуки, "Ўзбек маънавияти —

енгилмас куч" китобида таъкидланганидек, "бу қўнча дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқеликдир". Буни эсдан чиқариш, жаҳон миқёсида фақат бир томонлама ривожланишга зўр бериш, охироскибатда, мана шундай инкирозларга, турли нотинчлик ва нохуш ҳолатларга олиб келади.

Инсон пайдо бўлибдики, у жисм ва жон, тана ва руҳ уйғунлиги асосида яшайди. Жамият ҳам, бугун биз кузатиб турган дунё ҳам шундай таъмоийларга таянади. Ер юзиде, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ақсарият одамларнинг моддий эhti-ёклар, маънавий ҳаёти, дунёқароши ва манфаатлари, идеал ва интилишлари деярли фарқ қилмайди, улар яхлит ва муштарак ҳолда намоён бўлади.

Асосан иқтисодий фойда, ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, капитални қўлгайтириш, бойликка ружу қўйиш биринчи ўринга чиқиб, маънавий масалалар — ҳар қимнинг шахсий иши, деган юзак қарардан четда қилиб кетишда инсон учун, унинг манфаатларининг бугунги кунда молиявий инкироз қаршида "Энди қайси йўлдан борамиз?" деб саросимга тушиб қолгани ҳам беҳиз эмас. Базван уларнинг маънавий иродасизлиги молиявий инкирознинг реал таҳдиддан қўра ҳам хавфлироқ қўришни олмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда инкирозга қарши реал чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни самарали амалга оширган мамлакатларда ҳаёт орқага эмас, олдинга қараб бориши табиий, албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг юртимизда барқарор ўсиш суръатлари сақланиб, Инкирозга қарши чоралар дастури изчил амалга оширилаётганини ақвол кузатиш мумкин. Бунда, ҳеч шубҳасиз, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шариоатида уни бартарafd этишининг йўллари ва чоралари" китобиде мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, иқтисодиётимизнинг бугунги ривожланиш суръатлари ва мустаҳкам салоҳияти, энг муҳими, халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва қайфияти бу инкирозни бартарafd этиш ҳақида тараққиётнинг янги

босқичига чиқиб олишга имкон яратганини ҳар томонлама асослаб берганини хал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, изохотлар стратегиясига бўлган қизиқиш тобора ортиб бориюмоқда. Бундан бир неча йил олдин ўшбу тараққиёт йўлининг маъно-моҳияти ва аҳамиятини тўғри тушулмаганлар ҳам эндиликда уни катта диққат ва эътибор билан ўрганишмоқда, мамлакатимизда шу борада истиқлол йўлла-

9 фойзини ташкил этиди. Қўриниб турибдики, инкирознинг бу борадаги таъсири айтилган сизиларни даражада эмас. Ёки 2000-2008 йиллар мобайнида ялли ички маҳсулот солиш-утирма баҳоларда 66,4 фойза ошган. Ўтган йили, инкироз шариоатида, ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 109 фойза, санюатда 112,7 фойза, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 117,7 фойзини ташкил этгани иқтисодиётимизнинг тез суръатлар билан барқарор ўсиб бораётган-

Дунё эътиборидаги китоблар

рида тўпланган тажрибаларни кенг таҳлил қилиб, зарур ҳулосалар чиқаришмоқда. Бу ҳақида гапирганда, эртанга Тошкентда иш бошлайдиган, "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шариоатида уни бар-тарafd этишининг йўллари ва чоралари" китобига бағишлаб ўтказиладиган нуфузли илмий-амалий конференцияни тилга олиш ўринли бўлади. Бу анжуманда дунёнинг 60 мамлакатидан 150 нафардан зиёд атоқли сиебатчи ва иқтисодчилар, мутахассис ва экспертларнинг қатнашиши астагини билдиргани юртимизда олиб борилаётган ислохотлар сиебати бўлган қизиқиш ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Маълумки, жаҳон молиявий инкироз дунёдаги наманан деган, иқтисодий жиҳатдан энг тараққиёт топан мамлакатларини ҳам қийин аҳволга солиб қўймоқда. Нуфузли халқаро биржаларда қимматбаҳо қозонларнинг нархлари гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб, доимий бекарорлик қўзға ташланмоқда. Дунё миқёсидаги етакчи валюталарнинг курси ҳам ҳар қуни ўзгариб турибди. Стратегик жон ашёларнинг нархи пастилигича қолмоқда. Катта-катта корхоналар ёпилиб, ишсизлик сонининг ортиши, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви муттасил давом этмоқда.

Шундай кескин ва мураккаб вазиятда Ўзбекистон иқтисодиёти инкирознинг салбий таъсирларига бардош бериб, барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбарияти томонидан узокни қўлаб олиб борилаётган иқтисодий сиебат натижа-си эканини нуфузли хорижий иқтисодчи ва сиебатчилар ҳам тан олмоқда. Жумладан, яқинда расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлган Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак ҳам Ўзбекистон 2008 йилда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолгани, жорий йилда ҳам иқтисодиётимизда барқарорлик кузатилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бунинг тасдиғини реал ракам ва кўрсаткичлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Масалан, юртимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 2007 йилда 9,6 фойзини, 2008 йилда эса

нинг далилидир. Бундай ижобий ҳолатни бугунги кунда иқтисодиёт ривожига ўта муҳим аҳамият касб этадиган инвестициялар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали инвестиция сиебати туфайли иқтисодиётимизда юқори даражадаги инвестицион фаолилик қўзға ташланмоқда. Қуйдаги рақамларга эътибор беринг: 2000 йилда юртимизда инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати атиги 0,8 фойзини ташкил этган бўлса, 2006 йилда 9,1 фойза етди. 2007 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 5 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция қилинган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этиди. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 2,5 баробар ошди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сирасини айтганда, Ўзбекистонда иқтисодиётга фақат иқтисодиёт кўзи билан эмас, балки, энг аввало, инсон, халқ ва жамият манфаатлари, маънавий мезонлари билан қараш ижобий тенденция сифатида ўзини тўлиқ оқламоқда, бу тараққиётнинг ўзбек моделига хос асосий тамойиллардан бирига айланиб бормоқда. Шу борада яна "Ўзбек маънавияти — энгилмас куч" китобига муножабат қилайлик. Муаллиф ёзади: "Бизнинг ислохотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айни пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон, деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мўваозан ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият

Шу билан бирга, илм-фандаги тарихийлик ва замонавийлик, анализ ва синтез, умумий боғлиқлик ва яхлитлик, воқеалар ривожини олдиндан кўриш ва ижтимоий прогноз қилиш каби тамойиллар асосидаги таҳлиллар ҳам бу китобларнинг бир давр маҳсули сифатида қўрғун мантиқий асосларга эга эканини кўрсатади. Шу жиҳатдан ўшбу асарлар бугунги ҳаётнинг ўзи инсоният олдиға кескин қилиб қўйяётган янги-янги вазифа ва муаммоларни биргалиқда ҳал қилиш заруратини ҳар томонлама теран англаш ҳамда замонавий таҳдидларни ўз қалби ва вужудидан ўтказиб, уларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириш борасидаги ҳаракатлар, доимий уйғоқ тафаккур маҳсули, десак, тўғри бўлади.

касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани жой-жойига қўйди, деган энгил-енгли қарашга итота қилиб, фақат моддий бойлик ор-тидан қувийш — халқимизнинг азалий орузу-интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятларимиз моҳиятига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислохотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, ақсинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланади, ривожланиб боради, деган қондани ўзимиз учун дастуриламал сифатида белгилаб олдик".

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий омиларнинг маънавий омилар билан ўй-рун ва ҳамоанг равишда ҳаётга татбиқ этилгани, яъни ҳаёвий гапларга берилмасдан, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, эртанги кунни ўйлаб, фикр-мулоҳаза юритиб, энг мақбул тараққиёт йўли ташлаб олингани ва оғир-вазимлик билан сиебат олиб бориладиган яқинда ягона тўғри йўл бўлгани ҳозирги мураккаб даврда амалда тасдиқланмоқда. Иқтисодиётни ислохот этиш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида иқтисодий мезонлар билан бирга, келгусида бу ўзгаришлар халқимизга нима беради, деган маънавий мезонлар ҳам эътиборга олинмоқда.

Яна бир ибратли жиҳат шундаки, Ватанимизнинг маънавий тараққиёт таъриблиридан келиб чиқиб ёзилган "Ўзбек маънавияти — энгилмас куч" ва жаҳон молиявий-иқтисодий инкирознинг чуқур таҳлиliga асосланган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шариоатида уни бартарafd этишининг йўллари ва чоралари" китоблари олдинма-кетин, тарих мезонлари билан қараганда, дерили бир вақтда чоп этилди.

Китоб қарашда, маънавий ҳақидаги бир билан жаҳон молиявий-иқтисодиёт инкирози тўғрисидаги китоб бутунлай бошқа-бошқа мавзуларга асарлардек бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу китобларнинг кетма-кет, дерили бир пайтда ёзилиши замирида, бизнинг назаримизда, чуқур умумий асослар мавжуд бўлиб, бундай уй-ғунликни таъминлайдиган қонуният ва тамойилларнинг ўзаро алоқадорлигини сезиш, англаш қийин эмас.

Авало, шунги таъкидлаш керакки, бугунги замоннинг маънавий ва иқтисодий соҳадиги таҳдидларига муносоиб жавоб бериш, тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги дунёнинг кескин муаммоларидан, бутун инсониятни ташвишга солаётган масалалар моҳиятини кўпчиликини огоҳ этиш ва уларни бартарafd қилиш учун зарур чора-тадбирларни қўришга даъват — бу китобларнинг руҳи ва ғояси ягона заминга таянишидан далолат беради.

Қиём НАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори.

БАҲОРНИНГ ЭНГ ТАРОВАТИ ПАЛЛАСИ БУЛГАН МАЙ ОЙИНИНГ МАНА ШУ МУНАВАР ҚУНЛАРИДА УМР ЙЎЛДОШИМ БИЛАН БИРГА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАН ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТИ АЗИМГА КЕЛДИК. АВАЛО, ВАТАНИМИЗНИНГ БОШ МАЙДОНИ БЎЛМИШ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА БОРДИК. БУ ЕРДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ ҚўЛАМЛИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҚўРИБ, ТўғРИСИ, ХАЙРАТИМИЗГА ҲАЙРАТ ҚўШИЛДИ.

ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Сенат биноси ва майдонини, шу ён-atroфдаги ободончиликларни телевизорда кўриб, Юртбошимизнинг бунёдкорлик борасидаги буюк ишларига таҳсинлар қўриб эдик. Мустақиллик майдонини беҳиз гуруримиз тимсоли, деб таърифланмас экан. Бу манзараларни одам ўз кўзи билан кўрганда, ҳақиқатан ҳам, қайфияти кўтарилиб, қалби гурур-ифтихор хиссига тўлар экан. Бу ерга қадам қўйган турли ёш ва касбу қордаги, ҳар хил миллатга мансуб минглаб юртдошларимизнинг юзидеги қувонч ва мамуният туйғулари қўриб, майдоннинг том маънода табарқур масканга айланганига ишонч ҳосил қилдик.

Сўнгра Хотира майдони томонга юрдик. Бу мўътабар зиёратгоҳда ҳам одамлар оқими бир сув тўхтамас эди. Барча қатори биз ҳам ўз вилоятимиз учун аҳриятлан айвон саҳнига бордик. Иккинчи жаҳон урушида қўрбон бўлган қариндошларимизнинг номларини зарҳал саҳифалардан қидириб топшиға ошдик. Уша шафқатсиз урушда онамнинг акаси — Сувонкул тумани ҳам иштирок этиб, қайтиб келмаган эди. Онамиз ўз жигарини ўйлаб, бир умр қаратда яшаб ўтдилар. Ханузгача кўз ўнгимдан кетмайди, онам ойдин кечаларда аксини эслаб юм-юм йиллар эди. Дардини бизларга айтиб, таскин топгандек бўлади.

Мен мухташам айвондаги саҳифалардан тоғамнинг фамилиясини топиб ўқир эканман, қулোগимда беихтиёр онамнинг сўзлари жарағлагандек бўлади. Шунда ҳаёлан у кишининг руҳи покларига муножабат қилганим: "Онажон, ақангизнинг номи, жасорати унутилгани йўқ, у кишининг исми-шарифи Ватанимизнинг

қоқ юрагиде жойлашган муза-сим майдонда хотира лаъзасига муҳрлаб қўйилган. Бу жойни ҳар йили Хотира ва қадр-лаш кунда давлатимиз раҳбарли зиёрат қилиб, урушда ҳалок бўлганларнинг хотира-сидаги муҳим бажо келтиради. Бу ердан ҳеч қачон одамлар қадами узилмайди. Уларнинг барчаси тоғам каби урушда қатнашиб, бедарак кетган, ҳалок бўлган азиз инсонларнинг номларини ёд этиб, ҳақларига дуолар қилишадим..."

Ишончим комилки, бу зиёратгоҳга келган инсонларнинг ақсарияти қўнғилдан ана шундай хил-туйғулар кенди. Улар Мустақиллик ва Хотира майдонларида бўлиб, бу гузал масканларнинг халқимиз маъна-виятини юксалтириш, ёшларини сарсонда муҳаббат ва садоқат руҳида аждодларини қилиб тарбиялаш борасида беҳиз аҳамиятини чуқур ишларнинг бошида туриб, барчасига раҳнамоллик қилиб келётган Президентимизга раҳматлар айтиб, самимий тилақларини билдиришди.

Биз ҳам ана шундай бой таассуротлар ва миннатдорлик туйғуси билан уйимизга қайтдик. Болаларимизга, набира-ларимизга, шогирдларимизга, қилчқининг, чиндан ҳам, буюк ва бебаҳо неъмат экани ҳусусида илгари ҳам кўп гапирар эдик. Энди эса бу ҳақида янада тўлиб-тошиб, завқу шавқ билан гапириб берамиз. Чунки пойтахтимизда бўлиб, ўзимизнинг тасаввур ва тушуналаримиз ҳам янада бойиди. Биз бамисоли ўзимизни ҳам, юртимизни ҳам қайтадан кашф этгандек бўлдик.

Абдушуков МУХАММАДҚУЛОВ, меҳнат фанрайиси.



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

роқ этиб келишмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник иходиёти марказининг тўғарак раҳбари Сабоҳат Қосимова. — Хусусан, ёшларимиз ўтган йили "Эркин парвоз", "Иждоҳор ва иқтироси болалар", "Қино-фото фестивали", "Автомодель мусобақаси" сингари республика танловларида муваффақият-ли иштирок этдилар. Улар иходиёт марказида авиамодель, кема-созлик, раке-тамодель, информатика, механик ўйин-чок, дурадорлик сингари йўналишларда ҳунар ўрганаётган ўқувчилардир.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" муҳбири.

Дилшод УЛУГМУРДОВ.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Митти автомобиль

Англиялик Перри Уоткинс дунёдаги энг кичик автомобилни яратди.



"Wind-Up" дея номланган мазкур митти машинанинг эни 66 сантиметр, бўйи 99 сантиметр, оғирлиги эса 150 килограммни ташкил этади.

Уоткинснинг айтишича, унинг бу ихтироси Жаҳон рекордлар академияси томонидан расман тасдиқланган ва у дунёдаги тўрт гилдиракли энг кичик транспорт воситаси сифатида тан олинган.

Йигирма етти соатлик концерт

Канадалик пианиночи Жейсон Бек дунёдаги энг узок давом этган концерт дастурини намойиш этди.

У 27 соат 3 дақиқаю 44 сония мусиқа ижро этган. Созанда ҳар уч соатда ўн беш дақиқадан дам олган. Бундан ташқари, бир ижро билан кейинги ижро орасидаги танффус 30 сониядан ошмаган.

Жейсон Бек ушбу муваффақияти билан «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ҳам жой оладиган бўлди.

Ҳалокат сабаблари номатълум

Индонезияда "С-130 Hercules" русумли ҳарбий самолёт ҳалокатга учради, дея хабар тарқатди "Associated Press" ахборот агентлиги.

Жакартадан парвозни амалга оширган мазкур ҳаво лайнери Ява оролларида фалокатга йўлқанди. Ҳозирча бунга нима сабаб бўлгани аниқ эмас.



Воқеа юзасидан текширув ишлари бошланган.

Қочоқларга ёрдам кўрсатилади

АҚШ ҳукумати Покистонга 110 миллион АҚШ доллари миқдориде инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқчи.

Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон Ок уйда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилган.

Покистон иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш ва экстремизмга қарши курашиш учун икки миллиард АҚШ доллари миқдориде кредит ажратиши ваъда қилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз барқарор иқтисодий тараққиётидаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида иш бошлаган «Микрокредитбанк»нинг ўзига хос хиссаси бор, албатта.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»:

МИКРОСАРМОЯЛАР — ҚИШЛОҚ КОРХОНАЛАРИГА

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармониға мувофиқ, унинг Устав капитали қўшимча 72,0 миллиард сўмға қўйилди.

сўмлик сармоялар ажратилди. Бу 2007 йилдаги нисбатан 1,6 баробар кўпдир. Натижада 56 075 та янги иш ўрни очилди.

сўмлик сармоялар берилди. Шу жумладан, бўлтур ажратилган микрокредитлар 4,5 миллиард сўм бўлган бўлса, шу йилнинг ўтган уч ойида микросармоялар

яратилаётганини намойиш этди. Чунончи, «Жиззахтранс» корхонаси банкдан олган 53 миллион сўм кредит эвазига ишлаб чиқараётган 20 турдаги

«Semillas Fito» фирмасининг Ўзбекистондаги вакили Испаниядан келтирилган юқори ҳосилдор МАККАЖҲОРИ УРУҒЛАРИНИ ТАКАНФ ҚИЛАДИ.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сифати кирди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сифати кирди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сифати кирди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган ишлари туфайли «Микрокредитбанк» Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 та банки сифати кирди.

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 8 июнь кунини соат 11.00 да ўтказиладиган объект бошланғич баҳога юқорилаб боровчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилганлиги маълум қилинади:

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилганлиги маълум қилинади: 1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, А. Навоий кўчаси (собик Мустақиллик кўчаси), 29-уйда жойлашган 3 қаватли «Зебо» машиий хизмат кўрсатиш уйи биноси.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Гулистон мактаб ўқувчиларининг навбатдаги аънавий "Умид ниҳоллари" мусобақасига ўзининг кўрак бослари, гўзал хиёбонлари, муштам спорт иншоотлари билан кучок очиб турибди, десак, муболага бўлмайди. Айни пайтда маданий-маърифий, маънавий тадбирлар билан бир қаторда, азиз фарзандларимизни мусобақалар жараёнида кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ижтимоий ҳимоялаш чоралари ўз ниҳосига етди.




МУСОБАҚАЛАР РИСОЛАДАГИДЕК ЎТАДИ

Хусусан, "Умид ниҳоллари — 2009" спорт байрами кунларида 1792 нафар иштирокчи (жамии иштирокчилар ва меҳмонлар сони 2869 нафар) 12 та тураржой ва овқатланиш масканларида, зарурат туғилганда, тежор тиббий ёрдам кўрсатадиган 15 та доимий тиббий пункт фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, 9 та спорт иншоотида ўтказилган спорт мусобақаларида 17 та тиббий пост ёш спортчиларнинг саломатлигини доимий назоратга олади, 18 та "Тез ёрдам" бригадалари эса туну кун шай туришади. Айтиш жоизки, ушбу масъулиятли вазибаларни аъло даражада бажариш учун 180 нафар малакали шифокор ҳамда 100 нафар кичик тиббиёт ходимлари тиббий постлар ва тиббий бригадалар таркибига бириктирилди.

Чунинчи, тиббий пунктлар белгиланган меъёрлар доирасида 53 турдаги, тез ёрдам бригадалари эса 48 турдаги дори-дармон воситалари ва зарурий тиббий жиҳазлар билан таъминланди. Хозирданқоқ даволаш-профилактика муассасаларида, "Дори-дармон" ДАК тизимида қўшимча 30 фоздан ортиқ дори-дармон захираси хозирланди. Қувончлиси, санитар автотранспорт таъминотини янада яхшилаш мақсадида Сирдарё вилоятига Осиё Тараққиёт банки кредити асосида 21 та "Дамас"

русумидаги "Тез ёрдам" машинаси ахратиб берилди. Ҳа, келажоги порлоқ ўғил-қизларимиз Гулистонда худди ўз уйларида бўлгани каби ардоқ ва эъзозда бўлишади. Айрим кўп учрайдиган касалликлар ва шикастланишларни



даволашда қўли эм ҳисобланган шифокорлар уларга нафақат кўз-қуллоқ, балки қайноқ меҳрлари, астойдил қўллаб-қувватлашлари билан ҳамроҳлик қилишади. Қолаверса, спортчи ўқувчиларга шахсий гигиена қоидалари ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, рационал овқатланиш туғрисида ишлаб чиқилган эслатмалар ҳам қўл келиши, шубҳасиз.

Умуман олганда, "Умид ниҳоллари — 2009" мусобақаларида ҳар бир жиҳат жиҳидий эътиборга олинганини алоҳида қайд этиш даркор. Еш спортчилар 1950 ўринга эга 13 та шинам ошхонада овқатланишади. Мазкур овқатланиш масканлари марказий ичимлик суви ва канализация тизимига уланган. Айнан овқатланиш жараёнига узвий алоқдор озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сак-

лаш ва ташишга ихтисослашган барча объектлар эпидемиология хизмати томонидан текширилди. Иштирокчиларга мазаги ва тўйимли таомларни тайёрлаб берадиган 135 нафар моҳир ошпаз тиббий кўриқдан ўтказилди. Шулардан 95 нафари ошхоналарга бириктирилди, 40 нафари эса захира ходим сифатида рўйхатга олинди. Яна 9 нафар ошпаз Тошкент шаҳридан келиб, ёшлар хизматида бўлади. Бу галги мусобақалар таомномасида ҳар бир иштирокчи учун бир кунлик амалдаги

меъёр 6694 ккалдан 6900-7100 ккалга оширилди. Хуллас, "Умид ниҳоллари — 2009" спорт байрамининг тиббий муҳофазаси таъминланди, дейишимизга барча асосларимиз бор.

Энди ёшларимиз дадиллик билан юксак спорт чўққиларини забт этишга диққат-эътиборларини, гайрат ва иштиқларини қаратишса, айни мuddада.

Иштиқларимизнинг дурқун, бир-биридан ширин дилбандлари, сизга ўзининг отадай меҳмоннавозлигини, мунис онадай муҳаббатини, иссиқ меҳрини кўрсатишга Гулистон шаҳри мунтазир. Уйлаймики, олам-олам таассуротлар, тотли учрашувлар, қизгин беллашувлар, унутилмас галабалар сизни кутиб турибди.

Абдували ҚУТБИДИНОВ.

МЎЛЖАЛ — СОВРИНЛИ ЎРИН

Қашқадарё вилояти ўқувчилари ҳам Гулистон шаҳри мезбонлик қиладиган "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг финал босқичига қизгин ҳозирлик қўришмоқда.

Умумтаълим мактабларида спортнинг кўлаб турлари бўйича тўрақлар ташкил этилиб, уларга тажрибали мураббийларнинг жалб этилиши масъулиятли мусобақаларга тайёрларлик раёнида қўл келди. Қолаверса, кейинги уч йилда вилоятдаги 54 та мактабда янги спорт заллари қурилди. Маъжмулари эса реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Воҳа ўқувчиларининг нуфузли мусобақаларда эришадиган натижалари яхшиланди. Улар орасидан энг иқтидорлилари вилоят тарма жамоаси таркибидан жой олишди. Кейинги вақтларда ўтказилган синов беллашувлари футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бадий гимнастика, спорт гимнастikasi ва шахмат бўйича жамоалар "Умид ниҳоллари — 2009" мусобақаларида совринли ўринлар учун бемалол даъвогарлик қила олишгани кўрсатди. Илгари вилоятда сузиш, спорт гимнастikasi бўйича жамоани шакллантириш

муаммо эди. Яқинда бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. Шу йил Қарши шаҳрида 2 та замонавий сузиш хавзаси, Шаҳрисабзда гимнастика зали фойдаланишга топширилди. — Мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаятган ёшларимиз кўп, — дейди вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шавкат Ганиев. — Биз бадий гимнастикани Луиза Ганиева, Севара Қобулова, шахматчи Мабруф Убайдуллаев, енгил атлетикачи Дилбар Саидова, Жавоҳир Нуруллоев каби унлаб вакилларимизнинг шохсупадан жой олишига ишонамиз. Улар ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан юқори натижа кўрсатишга тайёр. Умуман олганда, вилоят тарма жамоасига жалб этилган 128 нафар спортчиларнинг барчаси юқори ўринларни эгаллаш учун майдонга тушишни мақсад қилиб қўйган.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УЧ ЖАМОАМИЗ ҲАМ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси ва кубогининг гуруҳ босқич ўйинлари якунланиб, плей-оффда иштирок этадиган жамоалар номи маълум бўлди.

Ахамиятлиси, унда иштирок этаятган учта жамоамиз — "Пахтакор", "Бунёдкор" ва "Нефтич" гуруҳ босқичини муваффақиятли яқунлаб, бундан сўнра уларнинг қайси бири чемпионлик қўлига эришадигани аниқ бўлди.

Осиё чемпионлар лигаси ("Д" гуруҳи)да юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Бунёдкор" пойтахтимиздаги "Жар" стадионида Бирлашган Араб Амирликлари гуруҳи "Ал-Шабаб" жамоасини қабул қилди. Ушбу учрашувда меҳмонларга фақатгина галаба зарур эди, "Бунёдкор"ни эса дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Якунда ҳам шундай бўлди.

Гуруҳидаги иккинчи учрашувда биринчи йўлнамани соҳибни — "Ал-Иттифоқ" (Саудия Арабистони) клуби Эронда "Сепан"га 0:3 ҳисобида имкониятини бой берди.

тур учрашувларида ўзлари учун зарур бўлган натижага эришдилар.

ОФК кубогининг "А" гуруҳидан жой олган Фаргонанинг "Нефтич" жамоаси Яманда "Ал-Тилол" клубини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз муҳлисларини хушнуд этди. Тўларни Алишер Холиқов (3 та) ва Умид Бокиев (2 та) киритдилар. Гуруҳидаги "Ал-Ахад" (Ливан) — "Бусайтин" (Баҳрайн) учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди. Энди водийлик футболчилар 26 май куни Сурияда "Ал-Маждид" жамоасига қарши иккинчи раунд финал баҳсида майдонга тушадилар.

"А" гуруҳидаги якуний вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
"Бусайтин"	6	3	3	0	14-7	12
"Нефтич"	6	3	2	1	12-9	11
"Ал-Ахад"	6	2	1	3	13-10	7
"Ал-Тилол"	6	1	0	5	3-16	3



Кеча Осиё чемпионлар лигаси ("А" гуруҳи)да иштирок этаятган яна бир жамоамиз — "Пахтакор" сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" жамоасига қарши майдонга тушди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

"Д" гуруҳидаги якуний вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
"Ал-Иттифоқ"	6	4	0	2	15-8	12
"Бунёдкор"	6	2	2	2	5-9	8
"Сепан"	6	2	0	3	9-7	7
"Ал-Шабаб"	6	2	1	3	6-11	7

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг унинг-ўсиши, пухта билим олиши, ўзлари ёқтирган касбларининг моҳир мутахассислари бўлиб улғайишлари йўлида беқиссиз ҳам-қўр-ликлар қилинмоқда. Жойларда бунёд этилаётган кўрак ўқув даргоҳлари, айниқса, касб-хўнар коллежларида ўқини амалиёт билан боғлаб олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

МЕҲНАТГА ПАЙВАСТА ТАЪЛИМ

Шу мақсадда унумдор, сервус ерлар тажриба ҳўж-лиги сифатида ахратиб бе-рилган. Ўқувчилар ана шу ер-лардан қандай фойдалан-моқдалар?

Андижон шаҳрининг "Бо-ғишамол" даҳсидаги ижти-моий-иқтисодий педагогика коллежиди 991 нафар ўқувчи билим олади. Улар бошлан-ғич таълим, тиббий-ижти-моий ёрдам, болалар спорти

Боғишамоллик ўқувчилар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, чорвачиликни ҳам йўлга қўйишмоқчи, парран-дачилик билан ҳам шуғулла-нишмоқчи.

Избоскан туманидаги эн-гил саноат касб-хўнар кол-лежиди бўлганимизда, шу йил эрта кўкламда ўтказил-ган тўрт минг тўпдан зиёд терак кўчатлари эътибори-мизни тортди. Япроқ ёза

Интилиш

бошлаган бу ниҳолларнинг остки қисмида олиб борилаётган машғул-ларда фаол қатнашмоқда-лар. Шу билан бирга, бо-ддорчилик, деҳқончилик, па-зандачилик сингари кундалик ҳаётий касбларни ҳам кўп билан эгаллаётирлар. Бу бо-рада ёшларга ўқув даргоҳи тасарруфидаги бо-роғлар, гулзорлар ва тамаддиҳона қўл келмоқда.

Коллежнинг салкам икки гектарлик гилос ва шафто-лизори мавзуд. Бу мевали дарахт ниҳолларини ўқувчи-ларнинг ўзлари ўтказишган. Боғбон Маъруфжон Йўлдо-шевнинг йўл-йўриқлари асо-сида уларга шакл берилган.

Бундан ташқари, икки гек-тарлик теракзор ҳам шову-лаб турибди. Теракзор сони икки минг тўпдан зиёд. Пар-варшичи гуруҳлар зиммасида.

— Қаранг, бизда бўш ер-нинг ўзи йўқ, — дейди ёшлар гуруҳга тўйиб. — Хар туп те-рак остига ловия уруғи қада-йми. У теракка тирмашиб ўсади. Утган йили бу экин-дан мўл ҳосил олдик. Дарахтлар орасида, шунингдек, помидор, бўлғор қалампирни, бақ-лазон, ошқўқ ҳам етиштири-миз. Бу нэматларни ошхо-нага топширамоқ. Ортганини сийғими икки-уч литрли шиша идишларга жойлаб қайната-миз-да, консервляб қўймиз. Утган кунда тайёрланган сал-кам 400 литр миқдордаги ана шундай маҳсулотга қишли-қировли кунларда ҳаммамиз-нинг оғзимиз теғди.

Интилиш

Интилиш

Интилиш

Интилиш

ТАРОВАТЛИ ЗАМИН ИЛҲОМИ

Она-заминимиз табиати фусункор, одамлари бағрикенг, оққўйил, самимий. Шу боисдики, бу ўлканинг жамолидан бир бора баҳраманд бўлган киши унга қаттиқ меҳр қўяди. Зотан, не-не истеъдодли ижодкорларнинг Ўзбекистонимиз ҳақида дostonлар битганиликлари, унинг гўзаллиги кўйга солингани, кишига бир олам завақ бағишлагига қодир бетақор ижод намуналари яратилгани бежиз эмас.

Ўзбекистон санъат арбоби Павел Беньков ҳам шу юрти ички тушган, унинг тароватдан илҳомланган ижодкорлардан бири эди. Мусавир, гарчанд бу ерда тутилмаган бўлса-да, Ўзбекистонни ўз ватанидек азиз, халқини туғишгандек яқин билди. Юртимизга 1929 йилда келган рассом умри давомида жа-ҳоннинг кўлаб мамлакатларига саёҳат қилди. Аммо ўз хотира-ларида айтишича, ҳеч бир ерда Ўзбекистондай серқўш улкани, жаннатнонад юртини учратма-ди. Шу манаода айтиш мумкин-ки, ижодкор асарларидиға ўзе-бко рух, миллий анига ва қад-риятларимизга ҳамоҳиш лирик манзаралар ана шу хайратлар сабаб яратгани, шубҳасиз.

Павел Беньков асарларида инсон руҳини, унинг ички дунёси, ҳаётга бўлган муҳабба-ти ёрқин акс этган. Ижодкор на-фақат портрет жанрида, балки композицион тасвирларда ҳам қалб манзарасини, қўнғил ола-мининг энг назик ҳиссий кечин-маларини ифо-далай билган. Бу манзаралар-га боқиб, киши қалбига тиниқ гўборисиз тўйгу-лар жо бўлади. Хусусан, рассом-нинг ўзбек хонадони ва ушбу масқанда оила қуриб, бахтиёр ҳаёт кечираётган ёш оила тас-вирланган "Улкада баҳор" номи-ли сурати диққатга сазовор: қал-диғчилар ил кўрган айвон. Ай-вон бағрида жажжи қизаловини тиззасига ўтказиб олганча уни эркалаётган ота. Ота-болага

Кўргазма

булоқ сувидек гўборисиз тўйгу-лар жо бўлади. Хусусан, рассом-нинг ўзбек хонадони ва ушбу масқанда оила қуриб, бахтиёр ҳаёт кечираётган ёш оила тас-вирланган "Улкада баҳор" номи-ли сурати диққатга сазовор: қал-диғчилар ил кўрган айвон. Ай-вон бағрида жажжи қизаловини тиззасига ўтказиб олганча уни эркалаётган ота. Ота-болага

«ЎЗБЕКНЕФТАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТАЗҚАЗИМЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

циклогексан кимёвий реагентини сотиб олиш юзасидан 06/09-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот № 1. Циклогексан SH — 600 тонна

Тендер мuddати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 7 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан кўргони. Тел.: (998 75) 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46. Электрон почта: group_hr@sgcc.uz

Билмиларни пухта эгаллаб, ҳаммани хурсанд қилаётган йигит-қизларимизнинг меҳнатсеварлиги, шу азиз юртининг муносиб фарзанди бўлиб улғайишга интилаётгани аслида уларнинг оталари изидан дадил бораётганларидан далолат беради. Зеро, оталаримиз хар қарич ерни ардоқлаб, ҳеч қачон кам бўлмаган. Ерни боқсанг, у сени тўйдиради-да.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(21 май)

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Хоразм тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Хоразм кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик қузатилмайди. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Хоразм кечаси 13-15, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси ўқитувчи Илҳом Норқўзиева отаси Абдумалик НОРҚЎЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМЛИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАР
- ПЭК фильтрлари, ИЗО муфтлари

Маҳсулот сертификатланган.

Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» маҳалlesi, Цдаҳаси, 8-уй. Мўлжал — «Шўрат» дўкони жойлашган чорраха.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўплаларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. САЙТ: WWW.POST.UZ. ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоқсн келишилган нарха.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.45 Топширилди — 02.30

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — А. Қаримов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳас — Х. Тошқўжаев.